2015 йил 10 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (12.897)

Баҳоси эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

***Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.***

Жумладан:

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги Валиаҳди – **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири – **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Марокаш Қироли – **Муҳаммад VI**

Кувайт Давлати Валиаҳди – **Навоф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти – **Симонетта Соммаруга**

Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси – **Ким Ен Нам**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Дмитрий Мезенцев**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Ийд бин Амин Мадани**

Туркистон-Америка ассоциацияси раиси – **Абдулла Хўжа**

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти – **Ким Ёнг Мок**

Халқаро қиличбозлик федерацияси президенти – **Алишер Усмонов**

«Марубени Корпорейшн» президенти ва бош директори, бошқаруви аъзоси – **Фумия Кокубу**

«Марубени Корпорейшн» корпоратив маслаҳатчиси – **Мамору Секияма**

Германия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши раиси, «КЛААС» концерни бошқаруви аъзоси – **Ян-Хендрик Мор**

«Пиканол» компанияси бош ижрочи директори – **Люк Так**

табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг навбатдаги битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.***

## СЕРЖАНТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассасада курсантларга жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш каби соҳалар бўйича билим берилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А.Аҳмадбоев, академия бошлиғи, генерал-майор Ш.Икромов, ота-оналар номидан сўзга чиққан Н.Нуриллаева ва бошқалар курсантларни ўқишни муваффақиятли тамомлагани билан муборакбод этди. Ички ишлар тизими давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётгани, соҳага қадам қўяётган ҳар бир ходим бунга муносиб бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсини битирган минглаб мутахассислар амалиётда ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариб келмоқда. Бунда академияда барча зарур шарт-шароит яратилгани, жумладан, криминалистика маркази, техника воситалари билан таъминланган ўқув-дала машқ майдонлари мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий компьютер ва лингафон, спорт машқлари олиб бориш хоналари мавжудлиги, ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётгани сержантларнинг замон талаби даражасидаги етук мутахассис бўлишига замин яратмоқда.

Курснинг навбатдаги йиғинида ҳам шундай кадрлар тайёрланди. Улар эгаллаган билими, касб, жанговар, жисмоний ва хизмат тайёргарлиги бўйича кўникмаларини мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашга сарф этиш, азиз Ватанимизнинг мустақиллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қабул қилган хизмат қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, ички ишлар идораларининг муносиб ходимлари бўлишга аҳд қилган.

– Эл-юртимизнинг осойишталигини сақлаш сержантлардан чуқур билим ва улкан масъулият талаб этади, – дейди битирувчи Рустам Абдураҳмонов. – Бу ерда биз шундай билим ва кўникмага эга бўлдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил Наврўз байрами тантаналарида ёшларга қарата биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган сўзлари бугун ҳар томонлама чиниқиб, хизматга йўл олаётган сержантлар руҳиятини янада кўтариб юборди. Биз ана шундай кайфиятда мамлакатимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида қалқон бўлишни ният қилганмиз ва бу йўлда фидойилик кўрсатиш ҳаётимиз мазмунига айланади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Темур Мамадаминов олган сурат**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

***«Ўзэкспомарказ»да Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплексининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва қайта ишланган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда узоқ муддатли хўжалик муносабатларини кенгайтириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни режалаштираётган хорижий ҳамкорлар ва бўлажак харидорларни жалб этишда корхоналарга кўмаклашишдан иборат.

Аввал ўтказилган тадбирлар натижалари саноат форумини ташкил этиш ва ўтказиш самарадорлигидан далолат беради. Чунончи, 2014 йилда Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплексининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 224 корхона 700 турдаги маҳсулотини тақдим этган эди. Ушбу маҳсулотларнинг 45 тури маҳаллийлаштириш дастури бўйича ўзлаштирилган. Тадбирга ташриф буюрганлар орасида хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ҳам бор эди. Тадбир якунига кўра, умумий қиймати 82,5 миллиард сўмлик ва 0,6 миллион долларлик шартномалар имзоланган эди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ТЎҚИМАЧИЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

***Тошкентда тўқимачилик саноатига замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масаласига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.***

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти ва «Ритер Ўзбекистон» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Ўзбекистон, Швейцария, Германия, Ҳиндистон ва Туркия тўқимачилик компаниялари, тижорат банклари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув муассасалари вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Илҳом Ҳайдаров ва бошқалар инвестицияларни жалб қилиш, энг замонавий асбоб-ускуна ва технологияларнинг жорий этилиши мамлакатимиз енгил саноатини ривожлантириш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити кўплаб хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури бу борада муҳим омил бўлаётир. Ушбу дастурда тўқимачилик саноатига доир умумий қиймати 900 миллион доллардан зиёд 77 инвестиция лойиҳаси белгиланган. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз енгил саноатининг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Юртимизда замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилаётир. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 21 февралдаги «Замонавий тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкентда «Ритер Ўзбекистон» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилиб, тароқли, лентали ва ҳалқали йигирув машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида Хитойнинг «Juita Sewing Machine» компанияси билан ҳамкорликда тикув машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Ўзбекистонда бизнес юритиш учун барча шароит яратилган, — дейди «Экспо Колор Принт Текс» МЧЖ қўшма корхонаси технологи Девенура Сингх. — Ўзбекистонда жорий этилаётган замонавий технологиялар, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва тармоқ маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш имконини кенгайтирмоқда. Компаниямизда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам меҳнат қилаётгани ва улар ўз вазифаларини аъло даражада бажараётганини таъкидлашни истардим.

Конференцияда мамлакатимиз компаниялари вакиллари ва хорижий тадбиркорлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида «Миллий рақслар» ва «Зарб – 2015» ёш доирачилар Республика кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** Яшнобод туман Маданият ва аҳоли дам олиш марказида у-шу спорт секциялари аъзолари ўртасида «Жасур ўғлонлар» деб номланган спорт мусобақаси ташкил этилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқандда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий тадқиқот институтлари сингари ўттиздан ортиқ ташкилот иштирок этди.**

● **Андижонда «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Йил устаси – 2015» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Автомобилларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танловда «Андижонавтотеххизмат» ёпиқ акциядорлик жамияти шохобчаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этди.**

● **Бухорода одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли бошқармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

● **Қашқадарёда «Ёшлик завқи» балет ва замонавий рақс ижрочилари фестивалининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши замонавий рақс», «Энг яхши эстрада спорт-рақси», «Артистлик маҳорати учун», «Пластик ижро учун», «Оригинал ғоя учун», «Энг ёш жамоа» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Панамада ўз ишини бошлаган Америка давлатлари саммити доирасида АҚШ давлат котиби Жон Керри Куба Ички ишлар вазири Бруно Родригес билан музокаралар олиб борди. Бу кейинги 50 йил давомида ҳар иккала мамлакат ташқи сиёсий идоралари раҳбарларининг дастлабки учрашувидир.**

● **Кеча Гаитининг шимолий қисмида муҳожирларни элтиб бораётган кеманинг ҳалокатга учраши натижасида камида 20 киши ҳаётдан кўз юмган. Маҳаллий маъмурларнинг маълумотига кўра, ҳалок бўлганлар Терс ва Кайкос ороллари орқали ўтиш учун очиқ денгизга чиққан муҳожирлар эди.**

● **АҚШ суди йўл қўйилган хатога мувофиқ ўлимга маҳкум қилинганлар камерасида 30 йил адолатсиз тарзда ушлаб турилган мамлакат фуқароси Хинтонни айблари исботланмаганлиги туфайли озодликка чиқаришга қарор қилди. Гап шундаки, Хинтон 1985 йилда Алабамадаги ресторанга талончилик уюштирилган пайтда икки кишини ўлдирганликда айбланиб, қамалган эди.**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жорий йилда иштирокчилар сони ва улар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар миқдори қарийб икки марта кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фанлар академияси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ва бошқа тузилмалар таркибидаги тўрт юздан зиёд корхона ва ташкилот 1,5 минг турдан зиёд маҳсулотни намойиш этмоқда. Шунинг юздан ортиғи янги маҳсулотлардир.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иштирокчилари сонининг ортиб бораётганини мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилаётгани, Президентимизнинг шу йил 11 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури билан изоҳлаш мумкин.

Мебель саноати вакиллари кенг турдаги маҳсулотлар, жумладан, уй ва офис, тиббиёт ва таълим муассасаларига мўлжалланган мебель маҳсулотларини таклиф этаётир. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз компаниялари жаҳон брендларидан андоза олиб, уларнинг илғор тажрибаларидан ишлаб чиқариш ва ички бозорни маҳсулот билан таъминлашда фойдаланмоқда. Бунинг самарасида юртимиз ишлаб чиқарувчилари ички мебель бозорининг сезиларли қисмини эгаллади ва юқори истеъмол рейтингига сазовор бўлди.

– Корхонамиз 2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди «Mehau Trade» масъулияти чекланган жамияти директори Ёқуб Аҳмаджонов. – Ўтган даврда тармоқ, шунингдек, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келмоқдамиз. Бунинг самарасида мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртлари ва тиббиёт ташкилотлари билан яқин алоқа ўрнатдик. 2014 йилда маҳсулот етказиб бериш юзасидан йигирмага яқин шартнома имзолаган эдик. Жорий йилда битимлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Негаки, стендимизда ўнга яқин турдаги янги маҳсулот, жумладан, ўйин майдонлари, модул блоклар ва болалар мебеллари намойиш этилмоқда.



Болалар спорти объектлари ва умумтаълим мактабларининг спорт заллари, соҳага алоқадор давлат идоралари, спорт клублари, тиббиёт-соғломлаштириш, реабилитация марказлари, болалар спорт ўқув муассасалари учун инвентарь ва жиҳозлар ишлаб чиқарадиган корхоналар экспозицияси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган спорт товарлари намуналари – гимнастика таёқчалари, брус, спорт тўсиқлари, гимнастика ўриндиқлари, баскетбол шчитлари, теннис столи, мини-футбол дарвозаси ва бошқа маҳсулотлар халқаро сифат стандартларига жавоб беради ва нархи ҳам арзон.

– Ушбу тадбир бизга нафақат ютуқларимизни намойиш этиш, балки хомашё таъминотчилари ва харидорлар билан янги алоқалар ўрнатиш имконини бермоқда, – дейди «Электроника» илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари Саид Раҳмонов. – Бугун мутлақо янги маҳсулот – турли спорт ўйинларига мўлжалланган масофадан бошқариладиган электрон таблони омма эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорлик қиламиз, деган умиддамиз. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурига қўшилиш ва концерт заллари, стадион ва кўчалар учун видеоэкранлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштиряпмиз.

Тармоқ саноат ярмаркаси экспозициясининг асосий қисмини «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни ва «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари корхоналари эгаллаган. Уларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экани эътиборга лойиқ.

Ёш тадбиркор Бобур Зокировнинг экспозицияси кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Унинг «Зиё глобус» хусусий корхонаси жорий йилда маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Бу келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

– Корхонада ўқув муассасалари учун 25 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди Б.Зокиров. – Ишлаб чиқариш жараёнига касб-ҳунар коллежларининг 35 нафар битирувчиси жалб этилган. Бир ойда 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Турли шаклдаги глобуслар, дунёнинг сиёсий ва табиий хариталари, болаларга мўлжалланган чет тилларни ўрганиш китобларига талаб юқори. Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этиб, Халқ таълими вазирлиги муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Таъкидлаш жоизки, саноат форуми доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этиб, ҳамкорлик учун таклифлар беради ва музокаралар ўтказади, шартномалар имзолайди. Шунингдек, янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича келишувларга эришади.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Отабек Мирсоатов олган сурат**

---

*«Сувсоз» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳрининг йирик корхоналари қаторига киради. Корхона шаҳримиз аҳолисини сифатли ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириб келади. Пойтахтимизнинг ҳар бир туманида корхонанинг бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.*

**Касаба уюшмалари фаолиятидан**

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Маълумки, инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат ва ҳеч қандай моддий бойликлар билан ўлчанмайди. Шуни англаган ҳолда «Сувсоз» ДУК раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимларнинг меҳнатини муҳофазалаш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, уларга талаб даражасида қулай ва хавфсиз меҳнат ҳамда тиббий-маиший шароитларни яратиш масаласига жиддий эътибор берилади. Ушбу йўналишда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Корхона жамоа шартномасига илова қилинган 2014 йилда меҳнатнинг муҳофазаси бўйича битими бажарилишига жами 168 млн. 663 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларини харид этишга 176 млн. 455 минг сўм, шунингдек, уларни тозалаш ва дезинфекциялаш воситаларига – 1 млн. 309 минг сўм, зарарли иш шароитларида ишлаётган ишчиларга сут маҳсулотлари ва уларнинг ўрнини босадиган даволаш озиқаларига 146 млн. 446 минг сўмлик маблағ ишлатилди. Корхона бўлинмаларида ишчи-ходимлар учун талаб даражаси ва белгиланган меъёрда кийим алмаштириш, душ ва ювиниш хоналари ташкил этилган. Ҳар бир ходим, ишга кирган кундан бошлаб белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади, иш жойда йўриқлар ва стажировкадан, корхона бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси бўйича 12 та доимий имтиҳон ҳайъатлари томонидан ўқувларидан сўнг ходимларнинг билимлари текширилади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, корхонада 32 та малакали мутахассислардан иборат меҳнат муҳофазаси бўлими фаолият кўрсатмоқда, ўқув ва йўл-йўриқлар учун тўлиқ жиҳозланган 3 та синф ва 20 та хоналар ташкил этилган. Иш жойларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хавфсиз иш усулларини қўллаш устидан 3 босқичли маъмурий-жамоат назорати мавжуд бўлиб, унинг ҳар босқичида аниқланган камчиликларни тезкор равишда бартараф этиш бўйича назорат ўрнатилган.

2014 йил давомида жамоатчилик комиссиялари томонидан аниқланган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида корхона бўлинмаларида касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар юз бермади. Албатта, бундай ижобий натижага кенг жамоатчиликнинг иштирокисиз эришиб бўлмайди.

Корхонанинг ҳар бир бўлимларида сайланган ва ўқитилган 27 та меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва 41 нафар вакил жамоатчилик назоратида фаол қатнашиб, бу ишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мисол тариқасида «Бўзсув» иншооти вакили Зоиржон Юсуповни айтиш мумкин. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2014 йил 26 майдаги қарори билан тасдиқланган «Меҳнат муҳофазаси бўйича назоратни энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида»ги қарорга асосан 2013 йил якунлари бўйича меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танловининг 2 босқичида иштирок этди. Натижада Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари республика кенгаши бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Қилинган ижобий ишлар — бу иш берувчи ва касаба уюшмалари ижтимоий ҳамкорлигининг натижасидир. Бундай ижобий ишларнинг салмоғи кўпайса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Нигмон ШАМШИЕВ,**
**«Сувсоз» ДУК меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи**

---

# ИНСТИТУТ ОЛИЙ СИФАТ СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БЎЛДИ

***Жорий йилнинг 8 апрель куни Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига менежмент тизими сифати халқаро ISO 9001:2008 стандартига мослиги тўғрисида мувофиқлик сертификатини топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Сертификатлаштириш бўйича аудит ишлари 2015 йил январида «SGS Tashkent» компанияси томонидан олиб борилган. Аудиторлар институт менежменти сифатининг кучли томонлари, хусусан, «Бошқарувда етакчилик» тамойили бошқарувнинг барча жабҳаларида юқори даражада амалга оширилаётгани, шунингдек, ходимлар малакасининг олий даражада эканлигини таъкидлашди.

Таъкидлаш лозимки, институтни бошқаришнинг сертификациялаштирилган тизими ташқи маслаҳатчиларни жалб қилинмасдан ишлаб чиқилган.

Айтиб ўтиш жоизки, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти (MDIS) олий сифат сертификатига эга бўлган биринчи Ўзбекистон Республикаси халқаро университетларидан бирига айланди.

**«Туркистон-пресс»**

# ДАВРА СУҲБАТИ

***Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Мирзо Улуғбек Ўқув СТК» унитар корхонасида ташкилот ишчи-ходимлари ва ўқувчилар иштирокида «Диний экстремизм ва миссионерлик муаммолари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Тадбирда қатнашган Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бўлими етакчи маслаҳатчиси Искандар Раҳимов, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бўлимининг катта тезкор вакили, майор Абдувоҳид Шукуров, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилдора Абидова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Нурхон Алланазарова ва бошқалар бугунги кунда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди ва барча ота-оналарга фарзандлари, оила аъзоларининг турли хил оқимларга қўшилиб кетмаслиги ва доимо огоҳ бўлиш, шу каби ҳолатлар аниқланган тақдирда зудлик билан ички ишлар идораларига хабар бериш лозимлигини таъкидлашди.

— Ташкилотдаги ёшлар ўртасида бундай тадбирларни ўтказиш уларнинг ҳар тарафлама комил инсон бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашларини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашади, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Мирзо Улуғбек Ўқув СТК» унитар корхонаси бошлиғи Даврон Норов. — Ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаб, улар онгида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан ҳамнафас яшаш ҳисларини шакллантириш, глобаллашув даврида уларни турли зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялардан асраб-авайлашимиз муҳим. Ёмон иллатлардан ёшларимизни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслик лозим.

Тадбир давомида ёшлар орасида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, маънавий тушунчаларни ўстириб бориш кераклиги таъкидланди.

— Ёвуз ниятли кимсалар ёшларимизнинг ички дунёсини қашшоқлаштиришга, уларнинг маънавияти, эътиқодини сусайтиришга, миллий анъаналаримизни йўқотишга зўр бериб уринмоқдалар, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси талабаси Музаффар Розуматов. — Шу сабабли барчамиз огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, маънавиятимизни юксалтириш орқали турли ножўя таъсирлардан ҳимояланишимиз зарур.

**Зиёда РАСУЛОВА**

---

# ШАРҚШУНОС ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

***Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Фанлар академияси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёш шарқшуносларнинг анъанавий конференцияси бўлиб ўтди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, улуғ аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур анъанавий анжуман соҳада фаолият юритаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини такомиллаштириш, изланишлари натижаларидан ёшларни баҳраманд этишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, алломаларимизнинг меросини ўрганишда етук манбашунос, шарқшунос мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилаётир.

Конференцияда буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган илмий изланишлар, бу йўналишда йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўз юритилди. Матншунослик, тарих, тил ва адабиёт, шарқ фалсафаси, замонавий масалалар каби йўналишларда олиб борилаётган тадқиқот ишлари муҳокама этилди.

– Шарқ алломаларининг бебаҳо мероси нафақат бир миллат ёки халқ, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади, – дейди Шарқ қўлёзмалари марказининг ёш олимлар кенгаши раиси Шарифжон Исломов. – Шу боис соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг изланишларини рўёбга чиқариш, тадқиқотларини кенг тарғиб этиш олдимиздаги долзарб вазифадир. Зеро, аждодлар меросини чуқур ўрганиш ноёб асарлар, илмий изланишлар натижаларини келажак авлодга етказишга хизмат қилади.

Анжуман доирасида ёш олимлар «Энг мазмунли маъруза», «Нотиқлик маҳорати», «Энг яхши тақдимот» йўналишлари бўйича рағбатлантирилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

***Транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар томонидан атмосфера ҳавосининг ифлосланишини камайтиришга йўналтирилган тадбирлардан бири, автомобиллар двигателларидан ажраладиган газлардаги зарарли моддалар таркибининг давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади.***

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

Бу ишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан 1996 йилда ҳамкорликда ишлаб чиқилган 12/79/137-сонли буйруққа асосан «Тоза ҳаво» тадбири мамлакатимизда ҳар йили 2 босқичда апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларида ўтказиб келинмоқда.

«Тоза ҳаво» тадбири автотранспортларнинг зарарли таъсирини камайтиришга, шунингдек, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга йўналтирилган бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Республика Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бу йилги тадбирнинг биринчи босқичи 10 апрелдан бошланди.

Шу сабабдан, юқоридаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» тадбирини ташкиллаштириш ва уни ўтказиш, 2015 йилда амалга ошириладиган икки босқичли тадбир давомида қўйиладиган масалаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва унинг давлат назорати масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Республика Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва уларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирнинг амалга оширилиши юзасидан бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, тадбир давомида автотранспортлар ҳолатининг назорати йўл патруль хизмати инспекторлари билан ҳамкорликда кўчма ҳамда муқим йўл патруль масканларида олиб борилади.

Бунда шахсий автотранспортлардан ташқари, автокорхоналарга тегишли бўлган автотранспорт воситалари, йўллар ва автомагистраллардаги ҳаракатдаги ҳамда автобусларнинг шоҳ бекатларида ҳам назорат текширувлари амалга оширилади.

Автотранспорт воситаларининг ишлатилган газлари таркибининг миқдори «Ўзстандарт» органи томонидан текширилган ва соз ҳолатдаги газоаналитик ускуналар ёрдамида назоратдан ўтказилади. Автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини текшириш мақсадида ўтказилган ўлчовлар натижалари табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат инспекторлари томонидан ўрнатилган тартибда баённомага ёзиб борилади.

Амалдаги табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига асосан автотранспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситаларининг эгалари ўз автотранспортларида ишлатилган газлар таркибининг белгиланган меъёрларга мувофиқлигини текшириб туришни таъминлашлари зарур.

Текширувлар натижасида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган газларнинг белгиланган меъёрдан ортиқлиги аниқланган тақдирда давлат назоратини амалга ошираётган инспектор томонидан амалдаги қонунчиликка асосан маъмурий чоралар кўрилади, шунингдек, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича автотранспорт эгаларига тегишли кўрсатмалар берилади.

Шунингдек, тадбир давомида шахсий автотранспортлардан ташқари автотранспорт корхоналари ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда автомобилларни таъмирлаш корхона ва ташкилотларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирда иштирок этаётган барча манфаатдор ходимларнинг вазифаси автотранспорт воситаларининг техник ҳамда экологик ҳолатини яхшилаш ва кузатишдан иборат.

**(Ўз мухбиримиз)**





ЎзА олган суратлар

***Пойтахтимизда шахмат бўйича 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда 100 нафардан зиёд «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун баҳслашди.***

Шахмат

# ИҚТИДОРЛИ ШАХМАТЧИЛАР САРАЛАНДИ

Чемпионатнинг 12 ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторовга тенг келадигани топилмади. Иқтидорли шахматчи тўққиз партиянинг барчасида ғалаба қозониб, яққол устунлик билан мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Иккинчи ўрин ҳам пойтахтимиз вакили Сухробжон Аввалбоевга насиб этди. Қорақалпоғистонлик Маҳмудбек Холмуродов кучли учликдан ўрин олди.

– Шогирдим Маҳмудбекнинг натижасидан хурсандман, – дейди Тахиатош шаҳридаги 3-республика кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Абдукарим Тўраев. – У чемпионатда кучли шахматчиларга муносиб қаршилик кўрсатди. Келажакда мактабимиз тарбияланувчилари орасидан Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган моҳир шахматчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

Ушбу ёш тоифасидаги қизлар мусобақасида барча совринли ўринлар пойтахтлик шахматчиларга насиб этди. Юлия Хегай биринчи, Лейла Ким иккинчи ва Дилбар Ҳамроева учинчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, ҳар учала шахматчи тўққиз имкониятдан 7,5 очкодан жамғарди.

Ўн тўрт ёшгача ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Шамсиддин Воҳидов тўққиз партиянинг еттитасида ғалаба қозониб, иккитасида дуранг натижа қайд этди ва 8 очко билан олтин медални қўлга киритди. Худди шундай натижага эга бўлган хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев қўшимча кўрсаткичлар бўйича кумуш медаль билан тақдирланди. Бронза медаль тўққиз имкониятдан етти очко жамғарган тошкентлик Саидакбар Сайдалиевга насиб этди.

Қизлар баҳсида мағлубиятсиз дона сурган тошкентлик Асал Салимова 8 очко билан биринчи ўринни қўлга киритди. Пойтахтлик Ситора Назарова ва Тошкент вилоятидан Озода Ҳусайнова 6,5 очко билан кучли учликдан жой эгаллади.

Жаҳон чемпионати — 2015

# ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан Халқаро қиличбозлик федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада юзга яқин давлатдан спортчилар баҳслашди.

9 апрель куни «Ўзбекистон» спорт мажмуасида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ёпилиш маросими бўлди.

Тадбирда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

– Спортга қаратилаётган доимий эътибор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ошишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди Италия терма жамоаси бош мураббийи Андреа Чиппресса. – Жаҳон чемпионатини юксак даражада ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турди. Иштирокчиларнинг нафақат ўз иқтидорини намойиш этиши, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шароит яратиб берилди.

Тўққиз кун давомида спорт ихлосмандлари дунё қиличбозларининг қизиқарли баҳсларига гувоҳ бўлди.

– Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионати ҳаётимда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади, – дейди жаҳон чемпиони Александра Предеску (Руминия). – Нуфузли мусобақа юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Спортчи ва мураббийларнинг яшаши, дам олиши, мусобақада иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди. Мен ҳам мусобақада муносиб иштирок этиб, ғолиб бўлганимдан бахтиёрман.

Мазкур жаҳон чемпионати ёш спортчиларимиз учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

– Қиличбозлик мамлакатимизда ривожланаётган спорт турларидан, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Геннадий Пелих. – Мазкур чемпионат спортчиларимизнинг ўз имкониятини синовдан ўтказишида муҳим аҳамият касб этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

Танловлар

# ЁНҒИН НАЗОРАТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИНСПЕКТОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ ва Навоий кон металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларида ғолибликни қўлга киритган инспекторлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёнғинларнинг олдини олиш, объектларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, инсонларнинг тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик, ёнғинлар сонини камайтириш ҳамда моддий бойликларни сақлаб қолиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда ёнғинлар сони камайиб, содир бўлганларида ҳам моддий бойликларни сақлаб қолишга эришилмоқда. Бу борадаги ишларда ёнғин назорати органлари инспекторларининг саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур танлов соҳа ходимларининг касб маҳоратини ошириш, кўникма ва малакаларини синовдан ўтказиш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Унинг жорий йилгисида иштирокчилар ўқув ёнғин-техник текширувини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар бериш ва тегишли ҳужжатларни белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштириш борасида беллашдилар. Шунингдек, соҳага оид билимларини намойиш этиш учун тест синовларидан ҳам ўтдилар.

Якуний натижаларга кўра, Сирдарё вилояти Ховос тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант Н.Алиев тонлов ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, сержант Д.Умаров қўлга киритди. Учинчи ўринга Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, сержант И.Нўъмонов ҳамда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант Ф.Аҳмедовлар лойиқ кўрилди.

— Кўрик-танловдаги иштироким давомида ўз билим ва малакамни янада оширдим, – дейди биринчи ўрин соҳиби, сержант Н.Алиев. – Ҳамкасбларимиз билан ёнғин хавфсизлиги тизимида эришилаётган муваффақиятлар борасида тажриба алмашдик. Эндиликда орттирган тажрибаларимизни давлатимизнинг моддий бойликларини, фуқароларимиз ва уларнинг уй-жойларини «тилсиз ёв»дан асрашга сарфлаймиз.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ЮРТ ОБОДЛИГИГА ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

***Бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айнан баҳор келиши билан кўчалар, боғу роғлар, қабристонларда дарахтлар оқланади, ортиқча ўт-ўланлардан тозаланади, барча ўқув муассасаларида ёшлар иштирокида турли мавсумий гуллар экилади. Юртни обод қилиш учун ҳисса қўшиш энг хайрли ишлардан бири ҳисобланади.***

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент Давлат техника университети талабаларидан иборат кўнгилли ёшлар «Ҳашар элга ярашар» дея шаҳарча ҳудудида жойлашган «Чимир ота» қабристонида ҳашар ўтказишди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда миллий қадриятларимизни улуғлаш, ўтганларни ёд этиш мақсадида кўнгилли ёшлардан ташкил топган гуруҳ иштирокида қабристоннинг ён-атрофи, зиёратгоҳ ичидаги йўлакчалар тозаланди, дарахтларга шакл бериш ва тагини юмшатиш каби бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Ҳашар азалдан барчани бирлаштирадиган ва шу орқали инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, беминнат ёрдамнинг амалга ошишига хизмат қилувчи кучнинг меҳнатдаги кўринишидир, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Ҳашар ёшларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Талаба-ёшларимиз бугун жамиятимизнинг қай соҳасида бўлмасин, ўзларининг фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан фахр ва ғурур туйғуларини ўзларига сингдирган ҳолда меҳнат қиладилар ва бу албатта келажакда ўз мевасини беради. Ҳашар ана шундай катта куч бахш этадиган қадриятларимиздан биридир. Бизнинг бундай савобли ишларимиз доимгидек давом этади.

Ҳашардан кўзланган асосий мақсад ёшларимизда она Ватанга муҳаббат уйғотиш, юрт ободлиги, ўтган аждодларимиз руҳини улуғлаш каби муқаддас қадриятларимизни қадрлаш, қолаверса уларнинг маънавий салоҳиятини янада кўпроқ оширишдан иборатдир.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ЁШЛАР

***Пойтахтимизда «Халқ оғзаки ижоди ёшлар ва хорижликлар нигоҳида» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

«Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги дипломатик корпуси вакиллари, олимлар ва ёшлар иштирок этди.

Анжуманда «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов ва бошқалар миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилаётган эътибор туфайли халқ оғзаки ижоди янада ривожланаётганини таъкидлади.

Халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари кенг ўрганилмоқда. Мамлакатимиздаги турли тадбирлар, байрам тантаналарида фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишларига алоҳида ўрин берилмоқда. Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, ҳаёт тарзи, маданияти акс этган қадимий куй-қўшиқларимиз ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой маданиятимизни дунёга танитишга хизмат қилаётир.

Анжуманда халқ оғзаки ижодининг оммавийлигини ошириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказишда улардан фойдаланиш ҳамда бой маънавий меросимизга хорижликлар эътиборини янада кучайтириш хусусида сўз юритилди.

Фольклор санъатини янада ривожлантириш, халқ оғзаки ижрочилигини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди. Фольклор анъаналарини асраб-авайлаш ва ўрганишнинг аҳамияти, бахшичилик санъати, фольклор ва ёшлар маънавиятига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуман якунида фольклор санъати усталарининг концерти намойиш этилди.

**И.УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2015 йил 12 май куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Чилонзор туман СИБ томонидан, 2014 йил 8 сентябрь кунги 1-4996/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Делта микрокредит ташкилоти» МЧЖда сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 731 RA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 000 000 сўм.

2015 йил 28 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Яшнобод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 26 март кунги 1-104/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 491 ЕСА бўлган «XCMG QY25K5» русумли автокран. Бошланғич нархи 372 400 000 сўм. 2. 2013 йил 16 январь кунги 2-88/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Н 808 ЕА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 250 750 сўм. 3. 2014 йил 22 июль кунги 1-479/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 Т026 СА бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 450 000 сўм. II. Яшнобод туман СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 54 034 980 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 С 909 ВА бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 58 600 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 157 GA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 711 654 сўм. 4. 2013 йил 8 февраль кунги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 152 006 сўм. 5. 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 30 520 RAA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 60 256 868 сўм. 6. 2012 йил 26 март кунги 2-29/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002441 бўлган «ISUZU SAZ NP37» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 39 223 528 сўм. 7. 2013 йил 5 сентябрь кунги 1-586/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 70 Е 839 АА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 907 038 сўм. 8. 2013 йил 19 июнь кунги 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда и/ч дав. бел. 01 U 379 НА бўлган «ДЭУ Рейсер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 147 500 сўм. 9. 2012 йил 12 март кунги ижро варақасига асосан хатланган, «SARCO» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган, «Toyota 7FB15FV 3000» русумли юк кўтаргич воситаси. Бошланғич нархи 9 636 781 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан: 2015 йил 27 январь кунги 10-1417/13700-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 23-уйда сақланаётган: 1. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 978 МСА бўлган «Xowo» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 177 083 333,33 сўм. 2. 2013 йилда и/ч дав. бел. 36 79 НЕ бўлган «LW300FN» русумли юк кўтаргич (погрузчик) воситаси. Бошланғич нархи 89 403 754,81 сўм. 3. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 697 RCA бўлган «Xowo Sinotruk» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 179 695 833,33 сўм. IV. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 31 июль кунги ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 ЕАА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 181 500 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 ЕАА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 243 060 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 007 430 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 ВВА бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 319 970 сўм. 5. 1983 йилда и/ч дав. бел. 01 993 ТАА бўлган «АМТС ГБАММЗ 4502» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 794 220 сўм. V. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2014 йил 11 февраль кунги 729/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 О 190 АА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 299 477 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 10 AN 808 бўлган «Газ 31029» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 087 234 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **11 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13 даража илиқ, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11431 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ